

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ  
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НАМОЗОВА ЗИЛОЛА БОЗОРОВНА**

**НАВОИЙ ЛИРИКАСИ МАТНШУНОСЛИГИ ТАДҚИҚИ  
ТАДРИЖИ (ҲАМИД СУЛАЙМОН ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ АСОСИДА)**

**10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ  
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
Philological Sciences**

<b>Намозова Зилола Бозоровна</b> Навоний лирикаси матншунослиги тадқиқи тадрижи (Ҳамид Сулаймон илмий фаолияти асосида).....	3
<b>Намозова Зилола Бозоровна</b> Исследование текстологической динамики лирики Навои (на основе научной деятельности Ҳамида Сулаймана).....	25
<b>Намозова Зилола Бозоровна</b> Gradual study of the textology of Navoi lyrics (based on the scientific work of Hamid Suleiman).....	46
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	50

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НАМОЗОВА ЗИЛОЛА БОЗОРОВНА**

**НАВОИЙ ЛИРИКАСИ МАТНШУНОСЛИГИ ТАДҚИҚИ  
ТАДРИЖИ (ҲАМИД СУЛАЙМОН ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ АСОСИДА)**

**10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ  
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Fil451 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус(резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Шодмонов Нафас Намозович</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Зоҳидов Рашид Фозилович</b> филология фанлари доктори, доцент  <b>Жўраев Жалолиддин Олимжонович</b> филология фанлари доктори
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги</b> <b>давлат адабиёт музейи</b>

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «26» декабр соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, ([www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz)).

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат Ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (825 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44; ([www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz)).

Диссертация автореферати 2020 йил «21» декабр да тарқатилди. (2020 йил 21. декабр даги 23 - рақамли реестр баённомаси)



**Ш.С.Сирождинов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, филол.ф.д., профессор

 **К.У.Пардаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, филол.ф.д.

 **Н.А.Жабборов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси,  
филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон манбашунослиги ва матншунослигида Шарқ адабиётига оид адабий манбаларни, хусусан Алишер Навоий асарларини ўрганишга интилиш янги босқичга кўтарилмоқда. Бу босқич матншунослик олдига ўзига хос муаммо ва вазифаларни қўймоқда. Матн таҳлилини амалга ошириш, аввал бажарилган эдицион тадқиқот ва фаолиятларнинг ютуқ ҳамда тажрибалари таҳлиliga оид аниқ концепциялар ишлаб чиқилиши ортиб бораётир. Натижада матншуносликнинг назарий асослари яратилиб, матн тарихи ва танқиди адабий ҳодисаларининг адабий-эстетик моҳиятини тўлалигича акс эттиришига эришилмоқда. Бундай тадқиқотлар ўзига хос қонуниятларнинг юзага келиш тамойилларига ойдинлик киритади ва янги илмий-назарий хулосалар келтириб чиқариши билан долзарблик касб этади.

Дунё манбашунослиги ва матншунослигида даҳо ижодкорлар асарларига тегишли ҳар қандай матний топилма алоҳида қийматга эга бадий-эстетик ҳодиса сифатида чуқур таҳлил этилмоқда. Уларга оид бирламчи манбалар ўрганилиши билан қиёсий таҳлил ва талқин этилиши асосида янги назарий хулосаларга келинмоқда. Шуниси эътиборлики, соҳанинг собиқ етук олимлари томонидан ижодкор бадий-эстетик тасаввурининг намоён бўлиш шакллари, усуллари ва динамикаси каби масалалар бўйича билдирилган хулосалари нисбий характерга эгаллиги, уларни ислоҳ қилиш юзасидан илгари сурилаётган қарашлар илмий асосли эканини кўрсатмоқда.

Ўзбек матншунослигида бажарилаётган ишлар аجدодларимиз томонидан яратилган беқиёс адабий меросни тадқиқ этиш орқали халқимиз маънавий оламини бойитишда, келажак авлодни баркамол шахс қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор, ҳавас қилса арзийдиган улуғ аجدодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажакимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам, албатта, бўлади”<sup>1</sup>. Мутафаккир Алишер Навоий асарлари, жумладан лирик мероси нашрлари бўйича салмоқли ишлар амалга оширилиб келинди. Хусусан, ўтган аср ўрталарида ўзбек матншуносликнинг юксалиши Навоий лирик асарлари устида олиб борилган текстологик тадқиқотлар кўламининг ортгани билан белгиланади. Бу даврга келиб буюк мутафаккир адабий сиймоси тикланди, асарларининг аксарияти тўлиқ ҳолда нашр этилди. Шунга қарамай, бу ўлмас асарлар нашри бўйича мутахассислар томонидан жиддий мулоҳазалар билдирилиши давом этди. Бундай ҳол эришилган ютуқ ва тажрибаларни илмий таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф

---

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустақкам пойдеворидир. Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. – Тошкент: 2017, 4 август.

этиш юзасидан замонавий тадқиқ усуллари ва принциплари асосида нашрлар такомиллини таъминловчи методологик асосларни ишлаб чиқиш долзарб эканини кўрсатади. Шоир лирик мероси матншунослиги бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, уларнинг амалиётдаги ўрни ва тадрижи етарли даражада ўрганилмаган. Хусусан, бу соҳада энг кўп тадқиқот олиб борган олимлардан бири Ҳамид Сулаймон илмий ва амалий фаолияти натижасида эришилган ютуқлар ҳамда ниҳоясига етмай қолган ишлар тадқиқ қилиниб, Навоий асарлари нашрларини мукаммаллаштириш бўйича матншунослик ишлари йўлга қўйилмаган. Таъкидлаш жоизки, Ҳамид Сулаймон тажрибаларини ўрганмасдан шоир лирикаси текстологияси ривожланишини баҳолаш ва мавжуд муаммолар ечимларини аниқлаш имконсиздир. Шу боис тадқиқот мавзуси мазкур муаммоларни ёритишга қаратилгани билан долзарбдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ–4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ–5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ–2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ–2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбек мумтоз адабиёти манбалари ва намуналари, хусусан, Алишер Навоий лирик меросини ўрганиш, нашрга тайёрлаш, илмий тамойилларини ишлаб чиқиш бўйича матншунослик соҳасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Ўзбек матншунослиги ва манбашунослигида Ҳ.Зарипов, Фитрат, С.Айний, Уйғун, Ғ.Ғулом, Ғ.Каримов, Н.Хотамов, О.Шарафиддинов, П.Шамсиев, Ҳ.Сулаймон А.Ҳайитметов, Н.Маллаев, С.Рафиддинов, И.Ҳаққул, Ш.Сирожиддинов, В.Раҳмонов, Э.Шодиев, Д.Юсупова, А.Эркинов каби кўплаб олимлар амалга оширган ишлар эътиборга лойиқдир<sup>2</sup>. Хорижлик Е.Э.Бертельс,

<sup>2</sup>А.Фитрат. Танланган асарлар. Икки жилдлик. – Тошкент: Маънавият, 2001; Алишер Навоий. Рубоий ва туюқлар. (Нашрга тайёрловчи Ҳоди Зарипов)– Тошкент: Ўздавнашр, 1944. А.Навоий. (Нашрга тайёрловчи С.Айний) – Душанбе: нашриоти Давлати Тожикистон, 1948; Əlişer Navoij. CAR DEVAN. (Basmaga tajjarlavçilar Ujchun va Sabir Abdulla) – Taşkent: OZ SSR Gostexizdat, 1940; Навоий. Девон. (нашрга тайёрловчилар: С.Мирзаев ва Ғ.Каримов) – Тошкент: Ўздавнашр, 1948; Шарафиддинов О. Алишер Навоий.

Л.В.Дмитриев, Муродий каби олимлар томонидан тадқиқ этилган матн ва тадқиқотлар<sup>3</sup> ҳам диққатга сазовордир. Айниқса, Навоий лирик меросини текстологик тадқиқ этиш ва нашрга тайёрлаш борасида матншунослигимизда бой тажриба тўпланган бўлиб, ҳозирга қадар жаҳон матншунослиги талаблари ва мезонлари асосида текшириш, баҳолаш ва натижада, соҳа олдидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, амалга оширилиши зарур ишларни белгилаб олиш ҳамда унинг бажарилишида Ҳамид Сулаймон тажрибаларининг ўрнини илмий-назарий аспектда кўрсатиб бериш борасида монографик тадқиқот амалга оширилмаган.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Қарши давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Адабий ҳодисаларнинг тарихий тадрижи ва назарий тараққиёти масалаларини ўрганиш” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Навоий лирикаси матншунослигида амалга оширилган тадқиқот ва нашрларни қиёсий ўрганиш, бу борадаги муаммоларни аниқлаш ва бартараф этишда Ҳамид Сулаймоннинг матншунослик фаолияти мисолида очиб беришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ҳамид Сулаймон томонидан Алишер Навоий лирик асарлари манбаларини аниқлаш ва саралашдаги принципларини таҳлилий тавсифлаш; “Ҳазойину-л-маоний” нашрларининг такомил тадрижини илмий асосда текшириш;

олим тадқиқотлари натижалари асосида тўпланган тажрибалардан замонавий ўзбек матншунослигида фойдаланиш йўллари кўрсатиш;

шоир лирикаси матншунослигида мавжуд муаммолар ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш;

Навоий лирик асарлари нашрларини мукамаллаштиришга қаратилган чора-тадбирларнинг зарурият эканини илмий далиллаш.

---

– Тошкент: Фан, 1936, 1948; Алишер Навоий. Танланган асарлар. (Нашрга тайёрловчи Каримов Ғ.)– Тошкент:Фан, 1951; Навоий. Рубойлар. (тузувчи Хотамов Н.)– Тошкент: “Ўрта ва олий мактаб”, 1961; Шамсиев П. Матншуносликка оид тадқиқотлар. – Тошкент: Фан, 1986; Сулаймонов Ҳ. АлишерНавоий. Илкдегон. 1466 йилкўчирилганкўлзмафаксимилнашри (нашрга тайёрловчи проф. Ҳ.Сулаймон) – Тошкент: Фан, 1968; Маллаев Н. Алишер Навоийнинг форс-тожик тилидаги шеърятига доир //Адабий мерос. – Тошкент: 1968. 1-сон. Шодиев Э. Девони Фоний нашрлари // Ўзбек тили ва адабиёти.– Тошкент: 1988. 1-сон;Эркинов А., Жабборов Р. Навоий шеърлари “Султон Яъқуб сайланмаси”да. – Алишер Навоий ва XXI аср. Халқаро илмий-назарий анжумани материаллари. – Тошкент: “Навоий Университети” нашриёт-матбаа уйи, 2019. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Тошкент: Фан, 1961. Маллаев Н. Алишер Навоий. Лирика. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. А.Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жиллик. I,III жилдлар. (Нашрга тайёрловчи Сулаймонов Ҳ., Ҳаққулов И.) – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи,2011; А.Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жиллик. II,IV жилдлар. (Нашрга тайёрловчи Сулаймонов Ҳ., Рафиддинов С.) – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011; Сирождидинов Ш. Алишер Навоий: Манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Тошкент: Академнашр, 2011.

<sup>3</sup>Алишир Наваи. Диван. Издание текста. Предисловие и указатели Л.В.Дмитриевой. – Москва: “Наука”, 1964; Алишер Навои. Лирика (Подредаксией: проф.Е.Э.Бертельса и Л.М.Пенковского) – Москва: “Наука”, 1948;Амир Алишер Фоний. Девони форсий. Мунтахаб (нашрга тайёрловчи тожикистонлик адабиётшунос олим Муродий (Тожибоев Ҳожимурод) – Душанбе: Ирфон, 1993.

**Тадқиқотнинг объектини** Навоийнинг XV–XVI асрда яратилган Санкт-Петербургнинг Салтиков-Шчедрин номидаги Давлат халқ кутубхонасидаги 55 рақам остида сақланаётган “Хазойину-л-маоний” куллиёти фотонусхаси, ЎзР ФАШИ қўлёзмалар фондидаги 677 рақамли қўлёзма, Ҳамид Сулаймон томонидан чоп этилган 4 жилдлик “Хазойину-л-маоний”, 15 жилдлик “Асарлар”и, 20 жилдлик “Мукаммал асарлар тўплами” ҳамда 10 жилдлик “Тўла асарлар тўплами”га киритилган девонларининг тўлиқ нашрлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предметини** Ҳамид Сулаймоннинг қўлёзмаларни тавсифлаш ва тадқиқ этиш принциплари, мумтоз матнларнинг табдил хусусиятлари ва нашрга тайёрлаш тажрибаларини ўрганиш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий, таснифлаш, тавсифлаш, статистик, структурал комплекс таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ҳамид Сулаймон илмий-назарий қарашларининг етакчи тамойиллари, ўзбек матншунослиги ва навоийшунослик соҳалари тараққиётига қўшган ҳиссаси, илмий тажрибаларининг замонавий ўзбек матншунослигида тутган ўрни назарий жиҳатдан асосланган;

Ҳамид Сулаймоннинг “Хазойину-л-маоний” ҳамда “Девони Фоний” асарлари қўлёзмалари қиёсий таҳлиliga бағишланган тадқиқоти ўзбек матншунослигини назарий жиҳатдан ривожлантиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилгани очиб берилган;

олим ижод лабораторияси текширилиши натижасида ҳозиргача Навоий девонлари (Ғаройибу-с-сиғар, Наводиру-ш-шабоб, Бадойеъу-л-васат, Фавойиду-л-кибар) мукаммал танқидий матни ва илмий наشري мавжуд эмаслиги илк марта аниқланган;

Санкт-Петербургдаги 55-рақамли қўлёзма ва ЎзР ФА ШИдаги 677-рақамли қўлёзмалар қиёсий тадқиқи натижасига кўра, шоир лирик асарлари тўлиқ нашрларини тайёрлашда йўл қўйилган камчиликлар далилланган ва Навоий асарларининг илмий-танқидий матнларини тайёрлаш ҳамда шоир лирикаси матншунослиги билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

Навоий лирикаси нашрларининг ривожланиш тамойиллари аниқланиб, уларни янада мукаммаллаштириш зарурияти мавжудлиги исботланган;

Навоий лирикаси нашрларини қиёсий ўрганиш, такомил тадрижини аниқлаш ва нашрларни қиёсий ўрганиш орқали чиқарилган хулосалар Навоий асарлари танқидий матнини тузиш, илмий нашрини яратиш, шунингдек, навоийшунослик, ўзбек адабиёти тарихи, адабий манбашунослик ва матншунослик фанларидан яратиладиган ўқув қўлланмалари, дарслик ва монографияларнинг мукаммаллашувига хизмат қилиши асосланган;

Ҳамид Сулаймон тажрибаларини ўрганиш ва замонавий матншунослигимизда улардан фойдаланиш соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этиши аниқланган;

Архив материаллари асосида олим асарлари илмий библиографияси тузилган;

Навоий девонлари танқидий матнини яратишда 17 банддан иборат тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда муаммонинг аниқ қўйилгани, қўлланилган усуллар ва назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилгани, таҳлилга тортилган материалларнинг қиёсий-тарихий, тавсифлаш, таснифлаш, статистик методлар воситасида асослангани, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилгани, матншуносликнинг замонавий илмий концепциялари асосида ўрганилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқарилган назарий хулосалардан замонавий ўзбек матншунослиги фанининг кейинги тараққиёти йўналишларини тайин этишда, йирик матншунос олимлар меросига ёндашишнинг асосли илмий тамойилларини кўрсатиб беришда, Навоий лирикаси матншунослигига доир тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, диссертация хулосалари ва материалларидан XX аср ўзбек матншунослиги ва манбашунослиги тарихини текширишда, замонавий ўзбек матншунослигининг назарий асосларини яратишда, республика олий таълим муассасалари учун “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Навоийшунослик” фанлари бўйича дарслик ва ўқув қўланмаларнинг янги авлодини яратишда, илмий маърузалар, махсус курс, семинарларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Навоий лирикаси матншунослиги тадқиқи тадрижи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Навоийнинг сўнгги йилларда ўрганилган “Хазойину-л-маоний” девонлари қўлёзма манбаларини тадқиқот доирасига жалб қилиш, танқидий матни ва илмий матнини яратиш, нашрларни мукаммаллаштириш бўйича олинган илмий-назарий хулосалардан Ф1–ФА-055746 рақамли “Марказий Осиё халқлари қўлёзма ёдгорликларини тадқиқ этиш. Ўзбекистон шоир ва ёзувчилари архивини илмий тавсифи ва нашр қилиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (ЎзР ФАнинг 2020 йил 2 сентябрдаги 3/1255-1794 сон маълумотномаси). Натижада Навоий адабий меросининг қўлёзма ва тошбосма манбалари илмий-монографик тавсифи такомиллаштирилган, мавжуд маълумотларга аниқлик киритилган;

Навоий девонлари қўлёзмаларининг тавсифини келтиришда, шунингдек, илмий-танқидий матн тузиш принципларини яратишга қаратилган илмий хулосалар ва тавсиялардан ОФ-Ф8-027 рақамли “Қўлёзма манбаларнинг миллий-маънавий ва адабий мерос тарғиботидаги аҳамияти”

мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 8 октябрдаги 89.03-3772 сон маълумотномаси). Натижада Навоий лирик асарлари қўлёзмалари Ҳамид Сулаймон тажрибаларини ўрганиш асосида текширилиб, матншунослик ва навоийшунослик соҳаларидаги кўплаб долзарб муаммоларни ечишга хизмат қилган.

Навоий лирик асарлари матний тадқиқи, нашрлардаги муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ҳамда мукамаллаштиришга оид илмий хулосалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясига қарашли Қашқардарё вилояти телерадиокомпаниясининг туркум кўрсатувлар сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Қашқардарё телерадиокомпаниясининг 09.03.2020 йилдаги 215 рақамли маълумотномаси). Натижада кўрсатувлар илмий-назарий маълумотлар билан бойитилиб, уларнинг илмий-маърифий савияси ошган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.**Тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 4 та республика илмий-назарий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.**Тадқиқот мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан, 5 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 158 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, зарурати, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, фан ва технологиялар ривожининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинган ишлар ва тадқиқот тузилиши кўрсатилган.

Диссертациянинг **“Алишер Навоий лирикаси матншунослигида Ҳамид Сулаймон фаолиятининг ўрни”** деб номланган дастлабки бобида шоир лирикасини ўзида жамлаган **“Хазойину-л-маоний”** ва **“Девони Фоний”**ни текстологик ўрганиш борасида жаҳон ва ўзбек матншунослигида бой тажриба тўплангани, уларга замонавий мезонлар асосида ёндашилиб, профессор Ҳамид Сулаймоннинг илмий фаолияти мисолида тадқиқ этилди. Бобнинг **“Ҳамид Сулаймоннинг матншунослик фаолияти ва Навоий лирикаси манбаларини ўрганиши муаммолари”**деб номланган биринчи фаслида Ўзбек матншунослигида навоийшунослик соҳалари ривожига,

хусусан, Навоий лирикасини текстологик ўрганишда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Ҳамид Сулаймонов Сулаймонович(1910 – 1979)нинг тутган ўрни ёритилди. Олим ҳаёт йўлига назар ташланса, у Москва кинематография институтида таҳсил олган бўлишига қарамай, асосан филология илми билан шуғулланди. Дастлаб ТошДПИда ўқитувчилик, сўнг кафедра мудир; ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти бўлим мудир, Алишер Навоий номидаги Давлатадабиёт музейи директори, Қўлёзмалар институти директори лавозимларида фаолият юритган.

Ҳ.Сулаймон тадқиқотларининг асосий объекти – Навоий девонлари қўлёзмалари бўлди. Унинг изланишлари натижасида “Хазойину-л-маоний” девонлар мажмуасининг тўлиқ ҳолдаги нашри яратилди, “Девони Фоний” матни қўлёзмалари аниқланиб, табдил қилинди ва китобхонларга тақдим этилди. Ўзбек матншунослигида олим томонидан шоир ижодини ўрганиш бўйича улкан тажриба тўпланган бўлиб, матншунос тадқиқот принципларини ўрганиш, уларни ўзлаштириш ва татбиқ этиш Навоий лирикаси матншунослигида ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни аниқлашда ниҳоятда муҳим.

Бу фидойи олим фаолиятини ўрганмасдан, унинг тажрибаларига таянмасдан улуғ шоир лирикасини текстологик ўрганиш, ундаги муаммоларни аниқлаш ҳамда ҳал этиш имконсиздир. Навоий лирикаси нашрларидаги мавжуд номукаммалликларнинг айрим сабаблари бор. Жумладан:

*1. Ҳозиргача шоир лирик асарлари мукаммал оммавий нашрларининг йўқлиги.* Бугунги кунгача шоир лирикасининг юзлаб нашрлари яратилди. Бироқ нашрлараро фарқлар ҳамда матндаги хатоликлар ҳали ҳануз сақланиб қолмоқда. Нашрий хатоликларни битталаб тузатиш имконсиздир. Муаммолар ичидан ечимга элтувчи ягона асос муаммони аниқлаб олиш тўғрироқ, назаримизда. Бу – замонавий матншунослик мезонларига мувофиқ илмий матнни яратиш билан ҳал этилади.

*2. Илмий нашрнинг яратилмагани.* Илмий нашр танқидий матн асосида жаҳон филология илмида қабул қилинган транскрипция ёзувида берилиши лозим. Бироқ Навоий девонларининг бундай илмий матни Ҳамид Сулаймонга қадар ҳам, ундан кейин ҳам яратилмади. Олим томонидан тайёрланган дастлабки тўлиқ нашр эса илмий аппаратлар билан бойитилган бўлса-да, оммавий нашр эди. Ушбу иш илмий нашр вазифасини бажаришни назарда тутмаган.

*3. Шоир девонлари танқидий матнининг мавжуд эмаслиги.* Олимнинг докторлик диссертациясида тадқиқотнинг 3 томдан иборат эканлиги кўрсатилади. Тахминимизча, 1-жилдга белгилаб олинган тадқиқ йўллари, усуллари, манбалари ва натижалари таҳлили; 2-жилдда ўрганилаётган ҳар бир қўлёзмада девондаги шеърларнинг жойлашиш тартиби, мавжуд ёки йўқлиги кабилар аниқланиши ва яратилган даврига кўра жадвалга жойлаштирилиши, 3-жилд эса илмий-танқидий матндан иборат бўлиши

режалаштирилган эди ва қисман шундай қилинди ҳам. Бироқ 3-жилд яратилмасдан қолди. Ўрганилмаган қўлёзмаларнинг юртимиз фондларида йўқлиги, улардан нусха олиш ҳамда тадқиқ этиш зарурияти мавжудлиги бу ишга халал берди. Навоий девонларининг танқидий матни шу тарзда Ҳ.Сулаймон томонидан бошланиб, тўлиқ тугалланмади.

4. *Танқидий матн тузишга қаратилган тадқиқотлар давом эттирилмагани.* 1959–1960-йилларда илмий аппаратлар билан таъминланган илк тўлиқ нашрнинг яратилиши катта адабий ҳодиса сифатида баҳоланган бўлса-да, академик нашр даражасида бўлмагани соҳа мутахассислари томонидан ўз вақтидаёқ эътироф этилган. Шоир лирикаси матнлари устида олим вафотидан кейин кенг қўламли текстологик тадқиқот олиб борилмади. Танқидий матн яратилмасдан академик нашрини яратишга уринишлар бўлдики, бу матншунослик тамойилларига мутлақо зиддир. Ваҳоланки, Ҳ.Сулаймон нашри шоир девонларининг дастлабки тўлиқ нашри бўлиб, Е.Э.Бертельс томонидан академик нашр яратишга уриниш сифатида баҳоланган. Лекин, шуларга қарамай, у илмий нашр вазифасини бажариб келди.

5. *Табдил ва нашр жараёнидаги хатоликларнинг ҳозиргача мавжудлиги, нашрдан нашрга “кўчиши” ва ортиб бораётгани.* Табдил қилиш ёки нашр жараёнида йўл қўйилган жузъий нуқсонлар ҳам асар матни тадқиқида муҳим ўрин тутди. Афсуски, ҳозиргача яратилган шоир асарлари нашрларида транслитерация билан боғлиқ муаммолар ниҳоятда кўп учрайди. Уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳам, матний тафовутларнинг турлари ҳам кўп. Нашрларда учровчи хатоликларни фонетик, лексик, орфографик ва пунктуацион тамойилларга амал қилган ҳолда мавжуд манбаларни қиёсий ўрганилиш, таснифларга ажратиш ва ечим ахтариш маъқул, назаримизда.

Бобнинг *“Ҳазойину-л-маоний” манбаларининг Ҳамид Сулаймон томонидан сараланиши*” деб номланган иккинчи фаслида олим томонидан қўлланган *“Ҳазойину-л-маоний”* девонлари қўлёзмаларини текшириш принциплари ўрганилиб, натижалари таҳлил қилинган. Алишер Навоий лирик асарларини текстологик тадқиқ этиш кенг қўламли иш бўлиб, тадқиқотчидан улкан тажриба, билим, салоҳият талаб этади. Матншунос бунда шоир асарлари каталогларини ўрганиб чиқиб, ҳар бир қўлёзма ҳақидаги умумий тасаввурларини шакллантириб олади. Олим уларни излаб топиш ва ўрганиш мақсадида турли мамлакатларга экспедициялар уюштиради. Шундай қилиб, Шарқ ва Ғарбда тарқалган Навоий лирик асарлари қўлёзмаларидан 2000 дан ортиғи текширилиб, XV – XIX асрларга тегишли 232 та қўлёзма ўрганилди. Шундан 20 таси олим амалга оширган тадқиқот учун манба вазифасини бажарган<sup>4</sup>. Навоий девонларининг

---

<sup>4</sup> Ҳамид Сулейман, Текстологическое исследование лирики Алишера Навои // Док. дисс. част первый, – Ташкент: изд. АН УзССР 1961. –С.306-327.

тошбосмалари асл матндан анча узоқлашиб кетгани сабабли улардан деярли фойдаланилмайди<sup>5</sup>.

Навоий девонларини саралашда Ҳ.Сулаймон бир қатор тамойилларга таянади. *Биринчидан, қўлёзмаларнинг беи асрлик тарихини ўрганиш; иккинчидан, тўлиқлиги; учинчидан, қўлёзманинг ўз давридаги аҳамиятлилик даражаси; тўртинчидан, сақланган ҳолати; бешинчидан, ёзувнинг тушунарлилиги ва аниқлик даражасининг юқорилиги; олтинчидан, қўлёзма котиби ва кўчирилган санаси маълумлиги* каби. Бундан ташқари қўлёзмаларни текширишда Султонали Машҳадий, Абдужамил котиб, Дарвеш Муҳаммад Токий, Муҳаммад бин Нур, Султон Муҳаммад Хандон каби машҳур хаттотлар томонидан кўчирилган қўлёзмаларга алоҳида эътибор қаратилади.

“Девони Фоний” устидаги тадқиқотлар таҳлили” деб номланган бобнинг учинчи фаслида Ҳамид Сулаймон томонидан Навоий – Фонийнинг форсий асарлари қўлёзмаларини истеъмолга киритгани ва нашрга тайёрлашдаги принциплари тадқиқ этилган.

“Девони Фоний”– Навоийнинг форсий лирикасини ўзида жамлаган бўлиб, 1965 йилга қадар мазкур асар тузилиши, қўлёзмалари тўғрисида тўлиқ тасаввур мавжуд эмас эди. Ушбу девон қўлёзмаларининг истеъмолга олиб кирилиши ҳамда шоирнинг форсий шеърлари ўрганилиши Ҳ.Сулаймон номи билан боғлиқ. У девоннинг Париждаги № 285, № 1345, Техрондаги № 15002, Туркиядаги № 3850, № 1952 рақамли 5 та уникал нусхасини қиёсий ўрганди. Шунингдек, бир нечта фонийлар шеърларидан тузилган Тошкент ва Душанбедаги 7 та терма девонни “Девони Фоний”нинг Париж нусхаси билан солиштириб чиқилиши натижасида, Навоий – Фоний қаламига мансуб шеърлар аниқланди<sup>6</sup>, 60-йилларгача шоирга нисбат бериб келинган ва кўплаб тадқиқотларда фойдаланилган Фоний тахаллусли ижодкорлар шеърларининг шоир қаламига мансуб эмаслиги ойдинлашди.

Ҳ.Сулаймон томонидан тайёрланган “Девони Фоний”нинг Ўзбекистондаги дастлабки нашри 1965 йилда Навоийнинг 15 жилдлик “Асарлар”и 5-жилдига киритилган бўлиб, 2 китобдан таркиб топган<sup>7</sup> Гарчи у тўлиқ ва мукаммал эмаслигига қарамасдан мустақиллик йилларидаги тўла нашрларнинг юзага келишига асосий омил бўлиб хизмат қилди ҳамда кўплаб тадқиқотларни юзага келтирди.

Тадқиқотнинг иккинчи боби “**Хазойину-л-маоний**” девонлари йиғма матни ва нашрлар такомили” деб номланган бўлиб, олим томонидан яратилган дастлабки тўлиқ нашри тавсифланган. Унинг ўз даврида ва нашрлар такомилида тутган ўрни аниқланиб, бугунгача яратилган тўлиқ нашрлар учун асос бўлиб келаётгани қиёсий тадқиқ этилиши натижасида ўрганилган.

<sup>5</sup> Хамид Сулейман, Текстологическое исследование лирики Алишера Навои. Док. дисс. част первый, – Ташкент: изд. АН УзССР 1961. – С.76.

<sup>6</sup>Кўрсатилган асар, 272-279-бетлар.

<sup>7</sup>А.Навоий.Асарлар. 15 томлик. Т.5. 1,2-китоблар. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1965.

Бобнинг дастлабки фасли “*Навоий лирикаси дастлабки замонавий босма нашрларида матншунослик тамойиллари*” деб номланиб, унда “Хазойину-л-маоний” девонларининг дастлабки босма нашрлари тамойиллари илмий асосда ўрганилган.

Ўзбекистонда Навоий лирикасининг матншунослик нуқтаи назардан ўрганилиши XX аср 30 – 50-йилларига келиб алоҳида босқичга кўтарилди. Аниқроғи, бу даврдан бошлаб ўзбек матншунослигининг амалий соҳаси ривожлана бошлади. “Хазойину-л-маоний”даги шеърлар 1959 йилга қадар терма девон шаклида нашр этилган. Ҳамид Сулаймоннинг келтирган маълумотига кўра, ушбу нашрларда девонлардаги шеърларнинг тўртдан бир қисмигина киритилган.<sup>8</sup> Натижада, китобхонларга Навоий яратган ўзбек тилидаги 3132 шеърдан 736 тасигина жорий ёзувда етказиб берилган, холос. 2396 таси эса 60-йилларгача кўпчилик адабиётшуносларга ҳам маълум бўлмаган.

Ўтган аср бошларига қадар яратилган нашрлардан Уйғун ва С.Абдулла томонидан тайёрланган “Чор девон” ҳамда Ғ.Каримов ва С.Мирзаевлар нашр эттирган “Девон” номли сайланма шаклидаги икки нашрни алоҳида эътироф этиш лозим. Улар сиёсий тазйиқ таъсирида чиқарилган<sup>9</sup>.

“Чор девон”да қуйидагилар нашр учун асос вазифасини бажарган:<sup>10</sup>

*Биринчидан, сиёсий ёндашув.* Чоп этилаётган шеърлар, албатта, социалистик аҳамиятга эга бўлиши, унда ҳукмрон табақалар, жумладан, подшоҳлар, диндорлар, оддий аҳолига зулм этувчи жамики унсурлар танқид қилиниши ёинки шундай талқин этиш мумкин бўлиши лозим эди.

*Иккинчидан, бадиий композиция.* Бадиий воситаларнинг кўзга яққол ташланиб туриши, илм аҳли ҳам, оддий китобхон ҳам ўзига маънавий озуқа олиши кўзда тутилган. Қолаверса, нашр халқнинг Навоий лирик мероси ҳақидаги умумий тафаккурини шакллантириш, бадиий ва эстетик тафаккурини юксалтиришга ҳам хизмат қилган.

*Учинчидан, содда ва равон, халқона тилда эканлиги.* Оддий халқ тушуниши, қўшиқ бўлиши, аниқроғи, оммалаштириш эътиборга олинган.

*Тўртинчидан, воқеабанд бўлиши.* Воқеабанд шеърларга сиёсий, ижтимоий ғоя юклаш таҳрир воситасида осон амалга оширилган.

*Бешинчидан, вазнлараро ноўхшашлик.* Навоий лирикасининг шаклий жиҳати ҳам мукамаллиги, кўпвазнлилик устунлик қилиши, шоир маҳоратини кўрсатишдаги ўзига хос омил эди. Бу даврда Навоий арузи устида ҳеч қандай тадқиқот қилинмаган эди. Ушбу нашр кейинчалик С.Мирзаевнинг Навоий арузи устидаги йирик тадқиқотига тўртки бўлиб хизмат қилди<sup>11</sup>.

<sup>8</sup>А.Навоий. Хазойинул-маоний. Ғаройибус-сиғар. 4 томлик. Т.1. – Тошкент: Фан, 1959. – Б.7.

<sup>9</sup>Əlişer Navoij. CAR DEVAN. (Basmaga tajjarlavçilar Ujçun va Sabir Abdulla) – Taşkent: OZ SSR Gostexizdat, 1940; Навоий. Девон. (нашрга тайёрловчилар: С.Мирзаев ва Ғ.Каримов) – Тошкент: Ўздавнашр, 1948. Б.197.

<sup>10</sup>Əlişer Navoij. CAR DEVAN. (Basmaga tajjarlavçilar Ujçun va Sabir Abdulla) – Taşkent: OZ SSR Gostexizdat, 1940. – Б.27.

<sup>11</sup>СодиқМирзаев. Навоийарузи. Қўлёзма. ЎЗР ФАШИ, инв.№ 48. – Тошкент: 1948.

*Олтинчидан, жанрлараро ноўхшашлик.* Навоийнинг барча жанрда бирдек маҳорат эгаси эканлигини кўрсатиш, шоир истеъдодини халққа танитиш назарда тутилган эди. Девонда ғазал, мустазод, мухаммас, мусаддас, мусамман, маснавий, соқийнома, рубоий, туюқ, қитъа – жами 10 та адабий жанр киритилган.

Эски лотин ёзувидаги ушбу нашри илмий характерга эга бўлиб, илк тўлиқ нашр яратилиши учун пойдевор бўлиб хизмат қилди. Шунингдек, “Хазойину-л-маоний” нашрлари такомилида ўзига хос босқич вазифасини ўтаган.

Навоий девонларининг сайланма нашрларидан яна бири бу – “Танланган асарлар” номи остида Ғ.Каримов ва С.Мирзаевлар томонидан чоп этилган<sup>12</sup> бўлиб, унинг I томини “Девон” номли Навоий лирик асарларидан таркиб топган сайланма ташкил этади. Шеърларни саралашда тузувчилар томонидан қуйидаги мезонларга амал қилингани аниқланди:

- тил хусусияти содда, ўзлашма сўзлар нисбатан камроқ, вазни енгил, ўйноқи шеърлар танланган;

- “Девон”га ғазал, мустазод, мухаммас, мусаддас, мусамман, маснавий, таржиъбанд, қитъа, муфрадот, рубоий, туюқ, жаъми 11 та лирик жанр намуналари саралаб олинган;

- Содда вазнлар танланиб, вазнлараро ноўхшашликларга эътибор қаратилган. Китоб сўнгида Навоий лирикасида қўлланган вазнлар жадвали берилди. Бунда тўпламга киритилган ҳар бир шеърнинг баҳри, вазни, рукнлари кўрсатилади. Жадвалда жами 12 баҳрдаги шеър келтирилгани диққатга сазовордир. Баҳрлар рим рақамида, вазнлар араб рақамида ифодаланган. Ҳар бир лирик жанр намунасининг юқори қисмида вазн кўрсаткич рақами (масалан, V – I, 23) келтирилган;

- Бу тўплам 193 ғазал, 2 мустазод, 2 мухаммас, 2 мусаддас, 1 мусамман, 7 таржиъбанд, 74 қитъа, 14 муфрадот, 49 рубоий, 9 туюқ, маснавийни ўз ичига олган бўлиб, дастлабки нашрга қараганда анча мукаммаллашган эди.

“Хазойину-л-маоний” *ийзма матни характеристикаси*” деб номланган бобнинг иккинчи фаслида олим томонидан тайёрланган “Хазойину-л-маоний”нинг илк тўлиқ нашри тадқиқ этилган. Мазкур нашрнинг ютуқ ва камчиликлари далилланиб, академик нашр эмаслиги илмий исботланган.

Ҳамид Сулаймон томонидан “Хазойину-л-маоний” илк тўлиқ нашрининг яратилиши ўз давридаёқ катта адабий ҳодиса сифатида баҳоланди. Жумладан, навоийшунос олимлар – Натан Маллаевнинг “Навоийшуносликнинг янги ва йирик маҳсулоти”<sup>13</sup> ҳамда А.Ҳайитметовнинг “Хазойинул маоний”<sup>14</sup> ва “Болаликнинг шеърий ихтиролари”<sup>15</sup> номли катта

<sup>12</sup>Алишер Навоий. Танланган асарлар. 3 томлик. Т.І. – Тошкент, Ўздавнашр, 1948.

<sup>13</sup>Маллаев Н. Навоийшуносликнинг янги ва йирик маҳсулоти // Ўзбекистон маданияти. – Тошкент: 1960. 20-август сони.

<sup>14</sup>Ҳайитметов А. Хазойинул маони // Шарқ юлдузи. – Тошкент: 1962. 1-сон.

<sup>15</sup>Ҳайитметов А. Болаликнинг шеърий ихтиролари //Фан ва турмуш. – Тошкент: 1991. 2-сон.

ҳажмли илмий мақолалари ана шу улкан тадқиқот эътирофи ва ҳақиқий баҳоси бўлди. Ушбу тадқиқотларда дастлабки тўлиқ нашрнинг кўплаб ютуқларни ўзида жамлагани эътироф этилади. Жумладан:

“Ҳазойину-л-маоний” девонлари тўлиқ нашри қисқа вақт – 5 йил ичида тайёрланган бўлиб, ишончли деб ажратилган қўлёзмаларни қиёсий ўрганилиши натижасида яратилгани;

танланган қўлёзмаларнинг асосий қисми жаҳондаги энг машҳур кутубхоналар фондида сақланиши ва 15 тасининг колофонидида кўчирилган санаси мавжудлиги;

Навоий девонлари қўлёзмаларини 5 гуруҳ(редакция)га ажратиб ўрганилиши натижасида девон композицияси тиклангани;

девонлар ҳажми ва жанрлар миқдори аниқлангани;

“Ҳазойину-л-маоний” нашрининг илмий аппаратлар билан таъминланган илк тўлиқ нашрида фойдаланилган нодир қўлёзмалар факсемилеларидан намуналар, девондаги шеърлар хронологияси, вазнлари ва байтлар сони кўрсаткичи, радифлар кўрсаткичи, тарихий, адабий ва мифологик шахслар номи кўрсаткичи, географик ва этник номлар кўрсаткичи илова қилинган ва луғатлар берилгани.

Олимлар Е.Э.Бертельс, А.Ҳайитметов, Н.Маллаевлар таъкидлаганидек, ушбу нашр кўплаб ютуқларни ўзида жамлаганига қарамай, академик нашр даражасида бўлмаган. Чунки ушбу нашр илмий аппаратлар билан таъминланган йиғма матн бўлиб, танқидий ва илмий матнлари яратилмасдан чоп этилган.

Нашрда техник хатоликлар ҳам кўплаб учрайдики, бу – нашрнинг нотугаллик сабабларидан яна биридир. Мазкур нашр дастлабки тўлиқ нашр эканини эътибордан соқит қилмаслик зарур.<sup>16</sup> Шу сабабли, нашрда нуқсонлар мавжуд эди. Жумладан, 1 – 2-девонларидан 4 ғазал, 3-девондан 6 ғазал, 4-девондан 3 ғазал, жами 13 ғазал атайин тушириб қолдирилгани, “Бадоеъу-л-васат”да 509- ва “Фавойиду-л-кибар”даги 443-муламмаъ (ўзбекча-арабча) ғазаллар ўринсиз тушириб қолдирилган.

Ушбу нашрнинг мукаммал даражада эмаслигининг бошқа сабаблари ҳам мавжуд бўлиб, бу – қўлёзмаларни ўқишда мукаммал техникаларга эга бўлинмагани билан изоҳланади.

“Ҳазойину-л-маоний” тўлиқ нашрларининг такомил тадрижи” деб номланган учинчи фаслда Ҳамид Сулаймон томонидан тайёрланган “Ҳазойину-л-маоний”нинг тўлиқ нашрлари қиёсий ўрганилди. Нашрларнинг такомил тадрижини аниқлашда девон композицияси сақлаб қолинган нашрлар текширилди<sup>17</sup>.

<sup>16</sup> А.Навоий. Ҳазойину-л-маоний. 4 томлик.Т.1. – Тошкент: Фан, 1959. – Б.ХХVII.

<sup>17</sup>Биз солиштириш жараёнида 4 нашрдан фойдаландик ва тақрорийликнинг олдини олиш учун уларни шартли ҳарфлар билан белгилаб олдик: 1. А.Навоий. Ҳазойин ул маоний. 4 жилдлик (Нашрга тайёрловчи Ҳ.С.) – Тошкент: Фан, 1959-1960. Биз уларни А нашр деб олдик; 2. А.Навоий. Асарлар. 15 томлик. Т. I,II,III,IV. Тошкент: Бадий адабиёт, 1963-1967. Биз уларни Б нашр деб олдик; 3. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик.Т.3,4,5,6. – Тошкент: Фан, 1990.Биз уларни В нашр деб олдик. 4.А.Навоий. Тўла

Нашрлардаги матний тафовутларнинг ўрни ҳамда тафовутланаётган бирликнинг мазмун ва шаклга этаётган таъсирини ҳисобга олган ҳолда нашрлардаги фарқлар шартли равишда қуйидагича таснифланди:

*А. Девондаги шеърларнинг тўлиқ тушиб қолиши;*

*Б. Байтларнинг тушиб қолиши ва ўрин алмашиши;*

*С. Мисраларнинг тушиб қолиши ва ўрин алмашиши;*

*Д. Сўз имлоси ва сўз қўллаш билан боғлиқ тафовутлар.*

**1. Девондаги шеърларнинг тўлиғича тушиб қолиши.** Тадқиқ этилаётган нашрларнинг эътиборли жиҳати шундаки, улар бир-биридан ҳажм хусусиятига кўра фарқланади. Масалан:

*Ваҳки чиқди отланиб бир маст лояқил йигит,*

*Сарвдек елдин от узра ҳар тараф мойил йигит.*

байти билан бошланувчи “БВ”даги 9 байтли 80-ғазал ҳамда:

*Қориган вақтда бир тифлга шайдо бўлдум,*

*Ким, гамидин қорию тифл аро расво бўлдум.*

байти билан бошланувчи шу девон нашрларидаги 7 байтли 427-ғазал мазмуний жиҳатдан нотўғри талқин қилингани сабабли А нашрдан тушириб қолдирилган. Кейинги нашрларда бу жиддий хатоликлар бартараф этилган. Шунингдек, 496, 509-ғазаллар ҳам А нашрда келтирилмаган. Ушбу ғазалларнинг ҳеч қайси Б нашрда ҳам учрамайди.

**2. Байтларнинг тушиб қолиши ва ўрин алмашиши.** Баъзан маълум бир байтнинг турли нусхаларда турли ўринда келиши ҳоллари ҳам кузатилади.

“БВ”даги 83-ғазалнинг ушбу 3-байти:

*Бода паймо зоҳид ўлса душман, эрмастур гамим,*

*Менки бўлдум бир ҳарифи бода паймо бирла дўст.*

В нашрдан тушиб қолдирилган. Бу байтни негадир Г нашрда ҳам учратмаймиз.

**3. Мисраларнинг ўрин алмашиши ва тушиб қолиши.** Баъзи ҳолларда мисранинг ўзаро ўрин алмашиши қўллангани ёки бутунлай тушиб қолганини кузатиш мумкин. М-н, “БВ”даги 116-ғазал 2-байти:

*а) жаҳон раъносига берма кўнгулким,*

*б) анга олдурмашиш кўнглин хирадманд.*

А нашрда [б,а], В ва Г нашрларда эса [а,б] тарзида қўлланган. Б нашрда ғазал туширилган. Бунда ғазалнинг шаклий томони (қофия) бузилишини кўриш мумкин.

**4. Сўз имлоси ва сўз қўллаш билан боғлиқ тафовутлар.** Сўз қўллаш ва уларнинг ёзилиши билан боғлиқ фарқлар ҳам учраб турадики, улар баъзида шаклга, баъзан мазмунга таъсир этади.

Масалан, “БВ”даги 43-ғазалнинг 5-байтини кузатайлик:

*Кишики ... ишқ ичра ўздин олди ҳисоб,*

*Бу муддаога агар олмагай эмас маҳсуб.*

Нукталар ўрнига А ва Б нашрларда *даъвий*, В ва Г нашрда *даъвоисўзи* келтирилган. 200-ғазалнинг 1- байти А ва В нашрларда:

Истаганлар бизни саҳрои балода истангиз,  
Водийи ҳижрон ила *дашти фанода* истангиз.

тарзида берилган. Ушбу байтнинг кейинги В ҳамда Г нашрда берилишига эътибор берайлик:

Истаганлар бизни саҳрои балода истангиз,  
Водийи ҳижрон ила *дашти анода* истангиз.

А ва Б нашрларда таянч манбага мувофиқ тафовутланаётган бирлик “дашти ано” тарзида берилган. Кейинги Г нашрда ўзгартирилган. Бу В нашрда бошқа қўлёзмага таяниганини кўрсатади.

Навоийнинг “Тўла асарлар тўплами” етук олимларимизнинг машаққатли меҳнати маҳсули ўлароқ, аввалги нашрлардаги жуда кўплаб жиддий хатоликларга барҳам берди. Бироқ улар тўлиқ бартараф этилмаган.

Учинчи боб “**Навоий лирикаси матншунослиги билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечимлари**” деб номланиб, унда “Хазойину-л-маоний” девонлари тўлиқ нашрлари олим фойдаланган қўлёзма билан қиёсий ўрганилди, муаммолар таҳлил этилди, муҳим тавсиялар берилди. “*Ҳамид Сулаймон тажрибаларининг илмий-назарий асослари*” номли дастлабки фаслида олим томонидан тўпланган тажрибалар натижаси таҳлил этилган.

